

«Тасдиқлайман»



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Қарши шаҳар - 2022 йил

## Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРК-684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисидаги" қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлигинини "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. «Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси қаршиги объектларга бажариладиган қуриш-монтаж ишларида Автопогрузчик хизматини кўрсатиш.

1.2. Танловнинг юқори қиймати ККС билан бирга 110 000 000 (Бир юз ун миллион) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди.

1.3. Механизм бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларинг техник қиемида илова қилинган.

1.4. Ушбу танлов якунлари бўйича голлиб чиққан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.

1.5. Ишларни бажариш муддати: Голлиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича

1.6. Ишларни бошлаш муддати: Аванс маблағлари ўтказилган кундан бошланади.

### 2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳар Шайхали қўرғонча

Елек/адрес: [ajumayev056@gmail.com](mailto:ajumayev056@gmail.com)

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. Танлов Иштирокчилари

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар шу мазмунда хизмат кўрсатишга ихтисосланган камда 2 йил тажрибага эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг камда 20 фоиз микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномаси, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқороник муомала ҳуқуқий даёқат ва ваколатлар, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлан тажрибасининг мавжудлиги.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликда биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмагинларга, мол-мулки муасодарага олинмаган, ҳамда муасенелик келишув, молнавий иштирок, ҳоллини ва бошқа шаклда

ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига маънавий қарамлиги мажбул бўлмаганларга руҳсат этилади.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталда электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- техник қием, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- нархлар қиеми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикланган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан таъдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варақини муҳрлаб таъдиқланган ҳолда тақдим этилишлари лозим.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Факат битта таклиф бериш мумкин;

- Тақдим этиладиган хужжатларининг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобдан бўлади;

- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.

#### **5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъдиқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталда жойлаштирилиши мумкин.

#### **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишига мажбурдир.

#### **7. Бошқа шартлар**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамда уч кун олдин қарор

кабул қилинган ҳақли. Товари (ини, хизмати) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камда ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буюртмачисига, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олдинги кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг натижалари иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилмаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

И.Боев

А.Жумаев

М.Музаффаров

М.Тухтаминшов

М.Кодиров

